

## Аллоҳ таолонинг шиорларини оёқости қилиш, мўмин кишининг кофир бўлишига сабаб бўлади



09:10 / 26.08.2019 3352

Албатта, мусулмон инсон ҳар бир нарсада бўлгани каби, интернетдан фойдаланишда ҳам фақат яхшиликни, шариатда рухсат берилган нарсаларга мувофиқ иш қилишни ният қилиши лозимдир. Ана шундагина бу ишдан фойда топади, кўзлаган мақсадига эришади. Интернетдан олган фойдасига қўшимча равишда, динининг таълимотларига амал қилгани учун савоб ҳам олади. Агар диний таълимотга амал қилмай, ниятини яхшиласа-ю, интернетдан фақат яхшилик йўлида фойдаланса, ўша олган фойдаси қолади, аммо савоб олмайди. Чунки бу ишига диний таълимот асосида яхши ниятни аралаштирмади. Мусулмон киши бир яхшиликни ният билан қилса, бир савоб олади, ўша ниятига амал

қилганида эса, савоби ўн марта кўпаяди.

Азиз ўқувчи, ушбу мақола Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон Иномов муаллифлигида ёзилган бўлиб, айнан интернетдан қандай фойдаланиш кўзда тутилган. Сиз азизларга қуйида мақолани тўлиқ ҳолда ҳавола қилишни мақсад қилдик.

Юксак тараққий этган ахборот технологиялари асрида яшаймиз. Тонгда уйғонишимиз билан «ақлли» телефонни қўлига олиб, ижтимоий тармоқларга кирамиз. Бу – дунёдаги аксарият одамнинг одати. Шу тариқа ҳар ким истаса-истамаса, ўзини ахборот майдони ичра кўради. Кимлардир бу майдонда – тарқатувчи, кимлардир – оддий иштирокчи, кимлардир – ўша ахборотларнинг қурбони, кимлардир эса – шунчаки кузатувчи...

Афсуски, ахборот тарқатиш борасидаги мутлақ эркинлик баъзида тарбиясизликка сабаб бўлиб қолмоқда. Хусусан, сўнгги пайтларда тарқатилаётган лавҳалар орасида ҳақоратли сўзлар, тухматли иборалар, муайян шахсларни обрўсизлантириш қасд қилинган тасвирлар кўпайиб бормоқда. Энг ёмони, уларнинг аксарияти бир гуруҳ троллар ёки “фейк”, яъни сохта akkaунтлар томонидан уюштирилмоқда. Бу қилмишлар ортида қандай ғаразлар ётгани жумбоқ...

Айниқса, бундай номақбул хатти-ҳаракатлар исломий қадриятлар борасида ҳам учраётгани кишини янада кўпроқ ташвишга солмоқда. Қурбон ҳайити арафасида ижтимоий тармоқларда қурбонликка ҳозирланган жонлиқларнинг келинлик либосида, мусиқа садоси остида тасвирланган ёки шунга ўхшаш видеотасвирлар тарқатилди. Уни ҳамма кўрди. Аммо... «интернет усталари»дан нечовларининг хаёлига қурбонлик ҳам ислом шиорларидан бири экани келди? Илло, айрим интернет фойдаланувчилари қурбонлик ҳам – ислом шиори эканини билганларида эди, балки бундай қилмаган бўлардилар.

Аллоҳ таоло ислом шиорларини қадрлашга тарғиб қилган ва уларни топташ, масхара қилишдан қаттиқ қайтарган. Жумладан, Ҳақ таоло Қуръони каримда бундай дейди: **«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳнинг (ҳажга доир) шиорларини, «Ҳаром ой» (ҳаж ойлари)ни ҳалол деб ҳисобламангиз... !»** (Моида сураси 2 оят).

Яна бир ояти каримада: **«(Гап) шудир. Яна кимки Аллоҳнинг шиорлари (қурбонлиқлар)ни улуғ деб билса, бас, албатта, (бу) дилларнинг тақвосидандир»** (Ҳаж сураси 32 оят), – деб хитоб қилган.

Бу ҳақда кейинги вақтларда олиму зиёлиларимиз турли сабаблар билан кўп ва хўбёзишга, Аллоҳ таолонинг ушбу амрини бот-бот бизларга эслатиб туришга мажбур бўляптилар.

Ислом таълимотига кўра «**шиор**» сўзи «**нишон**», «**белги**», «**аломат**» маъноларини билдиради. Яратган Парвардигоримиз Аллоҳ таолонинг динининг кўзга кўринган ва шон-шавкатининг аломати бўлган нарсалар шиор ҳисобланади.

Масалан, Қуръони карим, унинг тиловати, азон;

Аллоҳ таоло фарз қилган намоз, рўза, закот, ҳаж каби динимиз устуни бўлган ибодатлар;

шариатимизда улуғланган зотлар – пайғамбарлар, саҳобалар, тобеинлар, авлиёлар, уламолар, илм аҳллари;

Каъбатуллоҳ, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Мино, Арафот, Қуддуси шариф каби жойлар, масжидлар;

Муҳим саналар – жума куни, Рамазон оyi, муқаддас ойлар;

қолаверса, ибодат буюмлари бўлмиш тасбеҳ, салла ва жойнамоz ва ҳоказо.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломи мажиди (Ҳаж сураси 36 ояти)да бундай марҳамат қилади: «**(Қурбон қилинадиган) туя ва сигирларни Биз сизлар учун Аллоҳнинг шиорларидан қилдик. Сизлар учун уларда яхшилик бордир. Бас, уларга (сўйиш учун) саф тортган ҳолларида Аллоҳ номини зикр қилингиз!**».

Ушбу ояти каримада қурбонликка сўйиладиган ҳайвонлар ҳам Аллоҳнинг шиорларидан (!) экани таъкидланмоқда. Ҳамда буларда бизлар учун яхшилик борлиги эслатилмоқда. Оятнинг мазмунидан қурбонликка аталган жониворларни ҳурматлаш, авайлаш ва эъзозлаш – Худодан қўрқишлик аломатларидан экани аён бўлади.

Аввалроқ айтганимиздек, сўнгги пайтларда баъзи инсонларнинг ҳайит арафасида ижтимоий тармоқлар орқали қурбонлик қилинадиган ҳайвонларни расмларига ишлов бериб, турли масхараомуз муносабатда бўлиб, бу ишининг оқибатини билмасдан гуноҳ орттириб олаётгани эса ачинарли ҳолат, билимсизлик, авомлик, борингки, жоҳиллик деса ҳам бўлаверади.

Аллоҳ таолонинг шиорларини оёқости қилиш, улардан бирортасини масхара қилиш, камситиш, беҳурмат қилиш, хўрлаш, менсимаслик, хор қилиш мўмин кишининг кофир бўлишига сабаб бўлади.

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шариатнинг шиорини паст санаганларни қаттиқ қоралаб бундай деганлар: **«Аниқ биламанки, умматим ичидаги баъзи кимсалар Қиёмат кунида Тихома тоғи каби улкан ҳасанотлар билан оппоқ бўлиб келишади, лекин Аллоҳ таоло уларнинг амалларини тўзиган чанг каби қилиб қўяди».**

Шунда Савбон розияллоҳу анҳу: «Ё Расулаллоҳ, бизга уларни сифатлаб, очиқ баён қилиб берсангиз, билмасдан ўшалардан бўлиб қолмайлик!» – деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Улар сизларнинг биродарларингиз, сизларга ўхшаган одамлардир. Улар ҳам сиз каби тунлари ибодат қилади. Лекин улар шундай одамларки, ёлғиз қолган вақтларида шариатнинг шиорларини топтайдилар»**, – дедилар.

*(Имом Ибн Можа ривоятлари).*

Динимиз уламолари ўзларининг фатволарида бундай дейишган: **«Ким азонни масхара қилса ёки Қуръони каримни енгил санаб оёқ ости қилса, ёки шаръий илмларни ёхуд уламоларни масхара қилса, ибодатларни енгил санаб бажармаса, ёки масжидни масхара қилса, кофир бўлади»** («Ғамзу уюнил басоир шарҳ ашбоҳ ван-назоир»).

Ота-боболаримиз Ислом одобига жиддий эътибор берганидан хабаримиз бор ва уларнинг одоб-ахлоқи билан баъзи-баъзида мақтаниб ҳам қўямиз.

Ота-оналаримиз шариатимиздаги мустаҳаб ва одоб амалларига ҳам қаттиқ эътиборли бўлганлар. Улар одоблари гўзаллигидан тасбеҳлари кўксиларидан пастга тушмаган. Жойнамозларини ҳам эҳтиёткорона, оёқ остида қолдирмасдан, меҳр билан алоҳида баланд жойларга қўйганлар. Масжид атрофидан меҳр билан оҳисталик билан ўтганлар. Азон айтилаётганда меҳр билан беҳуда сўз айтмаганлар. Араб ёзувидаги матнлар битилган ашёларни меҳр билан эҳтиётлаб сақлаганлар. Нима сабабдан? Чунки улар динга алоқаси бор ҳар бир нарсага **АЛОҲИДА ОДОБ** билан муомала қилганлар! Чунки улар динга алоқаси бор ҳар бир нарсага ўзгача меҳр билан муносабат қилганлар! У одоб – бетакрор одоб!!! У меҳр – беқиёс меҳр!!!

Имом Абу Довуд Абу Умома розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **«Ўзи ҳақ бўлса ҳам талашиб-тортишмаган киши учун - жаннат чеккароғидан уй берилишига, ҳазиллашиб бўлса-да ёлғон гапирмаган киши учун - жаннатнинг ўртасидан уй берилишига, хулқини гўзал қилган киши учун эса - жаннатнинг энг юқори қисмидан уй берилишига мен кафилман»** (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Минг афсуски, ҳозирги кунда баъзилар шундай чиройли ишларга, жаҳон мамлакатлари ва ўзга диёрлар ичинда “ўзбек халқининг ноёб ва гўзал одоблари” деб тан олинган одобларига беписанд бўлиб, “ҳеч нарса қилмайди” қабилидаги гапларни айтиб, ота-оналаримиз бетакрор ва беқиёс меҳр билан бажариб келган бетакрор ва беқиёс динимизнинг бетакрор ва беқиёс одобларини йўққа чиқаришга уринмоқдалар. Ваҳоланки, шайтон мусулмон кишининг биринчи бўлиб имонига ҳужум қилмайди, балки биринчи бўлиб мусулмон кишини мустаҳаб ва одоб бўлган амалларга беэътибор қилишга уринади. Агар ғолиб чиқса, дастлаб суннатга, кейин вожибга, сўнг фарз амалларга бепарво қарашга уринади. Агар мусулмон кимсани фарз амалга ҳам эътиборсиз қилишга эришса, алалоқибат, Аллоҳ сақласин, имонига ҳам ҳужум қилиб, натижада имондан ажратади!!!

Демак, юқоридаги ҳукмлар жонлиқлар билан боғлиқ ғалати ҳолатларни тарқатаётган кишиларга сабоқ бўлиши керак. Улар ҳам исломий қадриятларга путур етказиш эвазига кўнгилхушлик ила омманинг эътиборини жалб қилиш оғир гуноҳ эканини англаб етсинлар.

Яна бир жиҳат, сўз эркинлиги дегани – исталган нарсани ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмасдан айтиш, ёзиш, тарқатиш дегани эмас. Балки ҳар бир сўз учун жавоб бера олиш масъулиятидир.

*Оғзига келганни демоқ – нодоннинг иши,*

*Олдига келганни емоқ – хайвоннинг иши,* деб бежиз Алишер Навоий бобомиз ёзмаган.

Ҳар бир интернет фойдаланувчиси айтаётган гапи, тарқатаётган ахбороти учун Аллоҳ таоло олдида ҳам, мўмин-мусулмонлар олдида ҳам, жамият аъзолари ва давлат қонунлари олдида ҳам жавобгардир! Бу меъёр дунёвий қонун-қоидаларда ҳам, диний таълимотимизда ҳам қатъий белгилаб қўйилган!

Бир сўз билан айтганда, “фейк” аккаунтлар ёки троллар юритувчилари муборак динимиз шаънига доғ солувчи лавҳалар, бузғунчи шарҳлар, ҳақоратли сўзлар, таҳқирлашлари учун икки дунёда ҳам жавоб берадилар.

Илоҳо, ўзларимизни ҳам, фарзанд-зурриётларимизни ҳам меҳрибон Парвардигоримиз буюрган, жаноб Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам тавсия этган, ўтмишда ўтганларимизни руҳлари шод бўладиган, халқимиз хурсанд бўладиган, ота-оналаримиз рози бўладиган йўллардан юришимизни насиб этсин!

***Иброҳимжон Иномов***

***Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари***